
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT TIBBIYOT UNIVERSITETI

7/2026

*2011 yildan "Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi"
nomi bilan chiqa boshlagan*

O'ZBEKISTON TIBBIYOT AXBOROTNOMASI



МЕДИЦИНСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА

Toshkent

Парпибаева Д.А., Исмоилова Ф.Р. ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ ВА УНИ КЛИНИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	*Parpybayeva D. A., Ismoilova F. R. THE SAFETY SYSTEM IN THE ORGANIZATION OF EMERGENCY MEDICAL SERVICES AND ITS IMPROVEMENT THROUGH CLINICAL MODELING*	*159*
Реймова М.К., Мавлянова Н.Н. ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РИСКА РАЗВИТИЯ АНОМАЛИЙ ПЛОДА: РОЛЬ ПОЛИМОРФИЗМОВ ГЕНОВ ФОЛАТНОГО МЕТАБОЛИЗМА В УЗБЕКСКОЙ ПОПУЛЯЦИИ	*Reimova M.K., Mavlyanova N.N. GENETIC RISK FACTORS FOR FETAL ABNORMALITIES: THE ROLE OF POLYMORPHISMS OF FOLATE METABOLISM GENES IN THE UZBEK POPULATION*	*162*
Садиллаев Г.Ж., Сайинаев Ф.К. ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА ТЎҒРИ ИЧАК ОҚМАЛАРИНИ ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ	*Sadillaev G.Zh., Sayinaev F.K. RESULTS OF SURGICAL TREATMENT OF RECTAL FISTULAS IN DIABETES MELLITUS*	*167*
Садуллаев М.М. ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ДЕКОМПРЕССИИ ЖЕЛЧНЫХ ПРОТОКОВ НА ИСХОДЫ ЛЕЧЕНИЯ И НЕЗАВИСИМЫЕ ПРЕДИКТОРЫ ЛЕТАЛЬНЫХ ИСХОДОВ ПРИ ХОЛАНГИОГЕННОМ СЕПСИСЕ	*Sadullaev M.M. IMPACT OF BILE DUCT DECOMPRESSION TIMING ON TREATMENT OUTCOMES AND INDEPENDENT PREDICTORS OF MORTALITY IN CHOLANGIOGENIC SEPSIS*	*173*
Сафаров Б.З., Элиева М.Ф.СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ ПОДЖЕЛУДОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ ВСЛЕДСТВИЕ АЛКОГОЛЬНОГО ОПЬЯНЕНИЯ	*Safarov B.Z., Elieva M.F.A FORENSIC STUDY OF MORPHOLOGICAL CHANGES IN THE PANCREAS DUE TO ALCOHOL INTOXICATION*	*177*
Солиева Р.Б., Зуфарова Ш.А., Бобоев К.Т. АССОЦИАЦИЯ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНА, СВЯЗАННОГО С ОКСИДАТИВНЫМ СТРЕССОМ, С БЕСПЛОДИЕМ У ЖЕНЩИН С АУТОИММУННЫМ ТИРЕОИДИТОМ: ИССЛЕДОВАНИЕ ТИПА «СЛУЧАЙ-КОНТРОЛЬ» В УЗБЕКСКОЙ ПОПУЛЯЦИИ	*Soliyeva R.B., Zufarova Sh.A., Boboev K.T. ASSOCIATION OF OXIDATIVE STRESS-RELATED GENE POLYMORPHISM WITH INFERTILITY IN WOMEN WITH AUTOIMMUNE THYROIDITIS: A CASE-CONTROL STUDY IN AN UZBEK POPULATION*	*181*
Турсунова М.У. КЛИНИКО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ И ЭТИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОСЛОЖНЕННОГО ТЕЧЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ПАНКРЕАТИТА	*Tursunova M.U. CLINICAL-DEMOGRAPHIC AND ETIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF COMPLICATED CHRONIC PANCREATITIS*	*185*
Усманова Г.Э., Рахимбаева Г .С. ГЕМОРРАГИК ИНСУЛЬТДА ҚОН ТОМИР ЭНДОТЕЛИАЛ ЎСИШ ОМИЛИ: ПАТОГЕНЕТИК ВА ПРОГНОСТИК РОЛИ	*Usmanova G.E., Rakhimbaeva G.S. VASCULAR ENDOTHELIAL GROWTH FACTOR IN HEMORRHAGIC STROKE: PATHOGENETIC AND PROGNOSTIC ROLE*	*190*
Шамсиев Ф.М., Мусажанова Р.А., Исмоилова Ш.С. КЛИНИЧЕСКОЕ ТЕЧЕНИЕ ВРОЖДЁННОЙ ПНЕВМОНИИ У НОВОРОЖДЁННЫХ ДЕТЕЙ И ОБЕСПЕЧЕННОСТЬ ВИТАМИНОМ D	*Shamsiev F.M., Musazhanova R.A., Ismoilova Sh.S. CLINICAL COURSE OF CONGENITAL PNEUMONIA IN NEWBORNS AND VITAMIN D STATUS*	*195*
Элмуродов Ш.К., Сайинаев Ф.К. ЎТКИР КАЛКУЛЁЗ ХОЛЕЦИСТИТ БИЛАН ОҒРИГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИ ДАВОЛАШ	*Elmurodov Sh.K., Sayinaev F.K. MANAGEMENT OF PREGNANT WOMEN WITH ACUTE CALCULAR CHOLECYSTITIS*	*199*
ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ	***HYGIENE, SANITATION AND EPIDEMIOLOGY***	
Mamatqulov B.M., Rayimova D.O. TRIKOTAJ ISHLAB CHIQARISH KORXONALARIDA FAOLIYAT YURITUVCHI AYOLLARNING REPRODUKTIV SALOMATLIGI VA UNI YAXSHILASH YO'LLARI	*Mamatkulov B.M., Rayimova D.O. REPRODUCTIVE HEALTH OF WOMEN WORKING IN KNITWEAR MANUFACTURING ENTERPRISES AND WAYS TO IMPROVE IT.*	*203*
Саломова Ф.И., Қутлимуродов Ё.В., Кодиров Д.А. ЧЕГАРА НАЗОРАТ ПУНКТЛАРИДАГИ ИНТЕРОСКОП ХОНАЛАРИ МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК БАҲОЛАНИШИ	*Salomova F.I., Qutlimurodov Yo.V., Kodirov D.A. A HYGIENIC ASSESSMENT OF MICROCLIMATE PARAMETERS IN X-RAY SCANNER ROOMS AT BORDER CHECKPOINTS*	*206*
Элмуродова Д.Б. АНАЛИЗ ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА ГОРОДА АЛМАЛЫКА ЗА 2011-2024 ГГ. И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ	*Elmurodova D.B. ANALYSIS OF AIR POLLUTION IN ALMALYK FOR 2011-2024 AND ITS IMPACT ON PUBLIC HEALTH*	*210*
ЮБИЛЕЙ		
Салахиддинов З.С, Солиев А.К., Умурзаков О.Т., Вахабов Б.М., Марченко В.Н. 80-ЛЕТ ВЫДАЮЩЕМУСЯ ПУЛЬМОНОЛОГУ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ ПРОФЕССОРУ ВАСИЛИЮ ИВАНОВИЧУ ТРОФИМОВУ		*215*

УЎК: 614.876:613.648.4

ЧЕГАРА НАЗОРАТ ПУНКТЛАРИДАГИ ИНТЕРОСКОП ХОНАЛАРИ МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК БАҲОЛАНИШИ

Саломова Ф.И., Қутлимуродов Ё.В., Кодиров Д.А.

ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ПОКАЗАТЕЛЕЙ МИКРОКЛИМАТА В ПОМЕЩЕНИЯХ С ИНТРОСКОПАМИ НА ПУНКТАХ ПОГРАНИЧНОГО КОНТРОЛЯ

Саломова Ф.И., Қутлимуродов Ё.В., Кодиров Д.А.

A HYGIENIC ASSESSMENT OF MICROCLIMATE PARAMETERS IN X-RAY SCANNER ROOMS AT BORDER CHECKPOINTS

Salomova F.I., Qutlimurodov Yo.V., Kodirov D.A.

Тошкент давлат тиббиёт университети, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Цель: *гигиеническая оценка показателей микроклимата межзональных помещений на пограничных пунктах пропуска и их сравнительный анализ с действующими санитарными нормами и стандартами.* ***Материал и методы:*** *исследование проводилось в межзональных помещениях, расположенных на некоторых пограничных пунктах пропуска в Хорезмской области и Республике Каракалпакстан. В ходе испытаний определялись температура воздуха, относительная влажность, скорость воздушного потока и освещенность. Показатели микроклимата оценивались на основе требований действующего Сан-КваМ №0324-16. При измерениях использовались современные измерительные приборы и методы лабораторного контроля.* ***Результаты:*** *проверка показала, что в некоторых помещениях с интроскопами наблюдалось отклонение параметров микроклимата от нормативных показателей. Установлено, что повышение температуры воздуха и относительной влажности, особенно в летний период, отрицательно сказывается на работоспособности сотрудников.* ***Выводы:*** *полученные данные указывают на необходимость оптимизации условий труда и совершенствования профилактических мероприятий по охране здоровья персонала в помещениях с интроскопами.*

Ключевые слова: *интероскоп, микроклимат, гигиена труда, температура воздуха, относительная влажность, скорость движения воздуха, санитарные нормы, пограничный контрольно-пропускной пункт.*

Objective: *To conduct a hygienic assessment of the microclimate parameters of inter-zone rooms at border checkpoints and to compare them with current sanitary norms and standards.* ***Material and methods:*** *The study was conducted in inter-zone rooms located at several border checkpoints in the Khorezm region and the Republic of Karakalpakstan. Air temperature, relative humidity, air flow velocity, and illumination were determined during the tests. Microclimate parameters were assessed based on the requirements of the current Sanitary-KvaM No. 0324-16. Modern measuring instruments and laboratory testing methods were used for the measurements.* ***Results:*** *The test revealed that in some rooms with introscopes, deviations in microclimate parameters from standard values were observed. It was established that increased air temperature and relative humidity, especially in summer, negatively impact employee performance.* ***Conclusions:*** *The data obtained indicate the need to optimize working conditions and improve preventive measures to protect the health of personnel in rooms with introscopes.*

Key words: *interoscope, microclimate, occupational hygiene, air temperature, relative humidity, air velocity, sanitary standards, border checkpoint.*

Хозирги глобаллашув ва халқаро миграция жараёнларининг жадал ривожланиши шароитида давлат чегараларида хавфсизликни таъминлаш масаласи дунё миқёсида устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, терроризм, контрабанда, ноқонуний миграция ҳамда хавфли юкларнинг давлат чегаралари орқали олиб ўтилишига қарши курашиш мақсадида чегара назорат пунктларида замонавий техник воситалар, жумладан интероскоп аппаратларидан кенг фойдаланилмоқда. Интероскоп қурилмалари орқали юклар, багажлар ва қўл юкларини тезкор ҳамда самарали текшириш имконияти яратилган бўлиб, мазкур қурилмалар хавфсизлик тизимининг ажралмас қисмига айланган [1-3].

Интероскоп қурилмалари билан ишловчи ходимлар меҳнат фаолиятини асосан ёпиқ ва чекланган ҳажмдаги хоналарда амалга оширади. Бундай хоналарда микроиқлим кўрсаткичлари — ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво ҳаракати тезлиги ва ёритилганлик даражаси меҳнат шароитининг муҳим гигиеник омилларидан ҳисобланади. Мазкур омилларнинг меъёрий талабларга мос келмаслиги инсон организмининг функционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, меҳнат қобилияти пасайиши, тез чарчаш, диққат сусайиши ва касбий касалликлар ривожланиши хавфини ошириши мумкин. Айниқса, юқори ҳарорат ва намлик шароитида организмнинг терморегуляция жараёнлари издан чиқиб, юрак-қон томир, нафас олиш ва марказий асаб тизими фаолиятида функционал ўзгаришлар юзага келади [3]. Чегара назорат пунктларида хизмат қилувчи ходимлар иш фаолиятининг юқори масъулиятлилиги, доимий диққат ва тезкор қарор қабул қилишни талаб этиши билан ажралиб туради. Шу сабабли меҳнат муҳитининг ноқулайлиги нафақат ходим саломатлигига, балки хавфсизлик тизимининг самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин [5]. Интероскоп хоналарида вентиляция тизимининг етарли даражада ишламаслиги, ҳаво алмашинувининг пастлиги ва ёритилганлик даражасининг камлиги иш жараёнидаги функционал юкламани янада кучайтиради. Сўнгги йилларда меҳнат гигиенаси соҳасида ишлаб чиқариш микроиқлимининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, айнан чегара назорат пунктларидаги интероскоп хоналари микроиқлимини комплекс гигиеник баҳолашга бағишланган тадқиқотлар етарли даражада эмас

[4,11]. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг иқлим шароити кескин континентал хусусиятга эга бўлган ҳудудларида мазкур масаланинг ўрганилиши муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Шу муносабат билан чегара назорат пунктларидаги интероскоп хоналари микроиқлим кўрсаткичларини санитария-гигиеник жиҳатдан баҳолаш, уларнинг амалдаги санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқлигини таҳлил қилиш ҳамда меҳнат шароитларини соғломлаштириш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади [6,9].

Тадқиқот мақсади

Чегара назорат пунктларидаги интероскоп хоналари микроиқлим кўрсаткичларини гигиеник баҳолаш ва уларни амалдаги санитария қоидалари ҳамда меъёрлари билан қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Материал ва усуллар

Тадқиқот Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги айрим чегара назорат пунктларида жойлашган интероскоп хоналарида олиб борилди. Текширишлар давомида ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво ҳаракати тезлиги ва ёритилганлик кўрсаткичлари аниқланди. Микроиқлим кўрсаткичлари амалдаги СанҚваМ №0324-16 талаблари асосида баҳоланди. Ўлчаш ишларида замонавий ўлчов асбоблари ва лаборатор назорат усулларидан фойдаланилди [7,8].

Натижалар ва муҳокама

Тадқиқот давомида Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган айрим чегара назорат пунктларидаги интероскоп хоналарида микроиқлим кўрсаткичлари ўрганилди. Бунда ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво ҳаракати тезлиги ва ёритилганлик даражалари аниқланиб, олинган натижалар амалдаги СанҚваМ №0324-16 санитария меъёрлари билан қиёсий баҳоланди. Олинган натижалар интероскоп хоналарида микроиқлим кўрсаткичларининг айрим ҳолатларда меъёрий талабларга тўлиқ жавоб бермаслигини кўрсатди. Айниқса ёз фаслида ҳаво ҳароратининг ортиши ва ҳаво айланишининг етарли эмаслиги ходимлар меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Интероскоп хоналари микроиқлим кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Меъёр	Хоразм вилояти	Қорақалпоғистон Республикаси
Ҳаво ҳарорати, °С	18–22	24,8±0,6	25,6±0,5
Нисбий намлик, %	40–60	63,4±1,2	65,8±1,4
Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с	0,1–0,2	0,08±0,01	0,07±0,01
Ёритилганлик, лк	300–500	286±12	274±10

Тадқиқот натижаларига кўра, ҳаво ҳарорати Хоразм вилоятида ўртача 24,8±0,6 °С, Қорақалпоғистон Республикасида эса 25,6±0,5 °С ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткичлар белгиланган 18–22 °С меъёрдан юқори эканлиги кузатилди. Ҳаво ҳароратининг меъёрдан ортиши инсон организмининг иссиқлик алмашинув жараёнларига қўшимча юклама беради. Узоқ вақт юқори ҳарорат шароитида фаолият юритиш ходимларда тез чарчаш, диққат сусайиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши ҳамда психоэмоционал зўриқиш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Айниқса интероскоп операторларининг доимий равишда монитор кузатуви билан боғлиқ меҳнат фаолияти юқори диққат талаб қилганлиги сабабли ноқулай ҳарорат шароити функционал ўзгаришларни янада кучайтиради.

Нисбий намлик кўрсаткичлари ҳам санитария талабларидан юқори бўлганлиги қайд этилди. Хоразм вилоятида ушбу кўрсаткич 63,4±1,2 %, Қорақалпоғистон Республикасида эса 65,8±1,4 % ни ташкил этди. Нисбий намликнинг юқори бўлиши ҳаво муҳитининг оғирлашишига сабаб бўлиб, инсон организмининг терморегуляция жараёнларини қийинлаштиради. Бу эса организмдан иссиқлик ажралиб чиқишини камайтиради ва умумий ноқулайлик ҳиссини юзага келтиради. Юқори намлик шароитида ишлаш нафас олиш тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, айрим ҳолатларда сурункали касалликларнинг ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

Ҳаво ҳаракати тезлиги ҳар икки ҳудудда ҳам меъёрий кўрсаткичдан паст эканлиги аниқланди. Хоразм вилоятида ҳаво ҳаракати тезлиги 0,08±0,01 м/с, Қорақалпоғистон Республикасида эса 0,07±0,01 м/с ни ташкил қилди. Меъёр бўйича мазкур кўрсаткич 0,1–0,2 м/с бўлиши талаб этилади. Ҳаво ҳаракати тезлигининг пастлиги хоналарда ҳаво алмашинувининг етарли эмаслигини кўрсатади. Бу ҳолат айниқса интероскоп қурилмаларидан ажралиб чиқувчи иссиқлик таъсирида хоналарда ҳаво димланишига олиб келиши мумкин. Етарли вентиляция тизимининг мавжуд эмаслиги микроиқлим кўрсаткичларининг янада ёмонлашишига сабаб бўлади.

Ёритилганлик даражалари ҳам айрим хоналарда санитария талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланди. Хоразм вилоятида ёритилганлик 286±12 лк, Қорақалпоғистон Республикасида эса 274±10 лк ни ташкил этди, ҳолбуки меъёрий кўрсаткич 300–500 лк оралиғида бўлиши лозим. Ёритилганликнинг етарли эмаслиги интероскоп операторларининг кўриш анализаторига қўшимча юклама беради. Узоқ муддат давомида паст ёритилганлик шароитида ишлаш кўз чарчаши, кўриш қобилияти пасайиши ва бош оғриқлари келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Интероскоп хоналарида аниқланган ноқулай омиллар частотаси

Ноқулай омил	Хоразм вилояти (%)	Қорақалпоғистон Республикаси (%)
Ҳарорат юқорилиги	68,4	74,2
Намлик юқорилиги	54,1	61,7
Ҳаво алмашинуви етарли эмаслиги	49,3	58,6
Ёритилганлик пастлиги	37,5	42,8

Тадқиқот натижаларида ноқулай омиллар частотаси ҳам таҳлил қилинди. Ҳарорат юқорилиги Хоразм вилоятида 68,4 %, Қорақалпоғистон Республикасида 74,2 % ҳолатларда қайд этилди. Намлик юқорилиги мос равишда 54,1 % ва 61,7 % ни ташкил қилди. Ҳаво алмашинувининг етарли эмаслиги Хоразм вилоятида 49,3 %, Қорақалпоғистон Республикасида эса 58,6 % ҳолатларда кузатилди. Ёритилганлик пастлиги эса тегишли равишда 37,5 % ва 42,8 % ни ташкил этди. Ушбу натижалар Қорақалпоғистон Республикасида микроиқлим кўрсаткичларининг нисбатан ноқулайроқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат ҳудуднинг иқлим хусусиятлари, ташқи муҳит ҳароратининг юқорилиги ҳамда вентиляция тизимларининг самарадорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Олинган маълумотлар интероскоп хоналарида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича қатор профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Жумладан, вентиляция ва кондиционер тизимларини модернизация қилиш, ҳаво алмашинувини кучайтириш, микроиқлим параметрларини мунтазам мониторинг қилиш ҳамда ёритиш тизимларини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, интероскоп операторлари меҳнат ва дам олиш режимини тўғри ташкил этиш, профилактик тиббий кўрикларни мунтазам ўтказиш ҳамда меҳнат гигиенаси бўйича тавсияларга қатъий амал қилиш ходимлар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқот натижалари келгусида чегара назорат пунктларида хавфсиз ва қулай меҳнат муҳитини шакллантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулосалар

1.Олиб борилган тадқиқот натижалари чегара назорат пунктларидаги интероскоп хоналарида микроиқлим кўрсаткичларининг айрим ҳолатларда амалдаги санитария-гигиеник меъёрларга тўлиқ жавоб бермаслигини кўрсатди. Хусусан, ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик кўрсаткичларининг юқорилиги, ҳаво ҳаракати тезлигининг пастлиги ҳамда ёритилганлик даражасининг етарли эмаслиги интероскоп операторлари меҳнат шароитларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.

2.Тадқиқот давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги интероскоп хоналарида микроиқлим кўрсаткичларининг Хоразм вилоятига нисбатан ноқулайроқ эканлиги кузатилди. Бу ҳолат ҳудуднинг иқлим хусусиятлари, ташқи муҳит ҳароратининг юқорилиги ва вентиляция тизимлари самарадорлигининг етарли эмаслиги билан изоҳланиши мумкин. Ноқулай микроиқлим омиллари ходимлар организмида функционал ўзгаришларни келтириб чиқариб, меҳнат қобилияти пасайиши, тез чарчаш, диққат сусайиши ҳамда касбий касалликлар ривожланиши хавфини оширади.

3.Интероскоп хоналарида ҳаво алмашинувининг пастлиги ва юқори намлик даражаси хоналарда ноқулай муҳит шаклланишига сабаб бўлиб, бу эса меҳнат гигиенаси нуқтаи назаридан муҳим хавф омилларидан бири ҳисобланади. Ёритилганлик даражасининг талаб даражасидан паст бўлиши эса операторларнинг кўриш анализаторига ортиқча юклама бериб, кўз чарчаши ва иш самарадорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

4.Олинган натижалар асосида интероскоп хоналарида меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида вентиляция ва кондиционер тизимларини модернизация қилиш, ҳаво алмашинувини кучайтириш, ёритиш тизимларини санитария талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда микроиқлим кўрсаткичларини доимий мониторинг қилиш зарурлиги аниқланди. Шунингдек, ходимлар учун мақбул меҳнат ва дам олиш режимини ташкил этиш, профилактик тиббий кўрикларни мунтазам ўтказиш ва меҳнат гигиенаси қоидаларига риоя қилиш интероскоп операторлари саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

5.Мазкур тадқиқот натижалари чегара назорат пунктларида хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини шакллантириш, интероскоп хоналаридаги санитария-гигиеник шароитларни такомиллаштириш ҳамда ходимлар касбий саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Адо А.Д., Новицкий В.В. Гигиена труда и производственная санитария. – Москва: Медицина, 2017;512.
2. Бухтияров И.В., Денисов Э.И. Профессиональные факторы риска и здоровье работников. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2020;368.
3. Измеров Н.Ф., Кириллов В.Ф. Гигиена труда. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2016;3:480.
4. Касаткин А.А., Шиган Е.Н. Производственный микроклимат и его влияние на организм человека. – Москва: Медицина, 2018; 256.
5. Кучма В.Р., Сухарева Л.М. Гигиена и охрана труда ра-

ботников производственной среды. – Москва: Практическая медицина, 2019;400.
6. Румянцев Г.И. Производственная экология и гигиена труда. – Санкт-Петербург: СпецЛит, 2018;287.
7. СанҚваМ №0141-03. Ишлаб чиқариш хоналари ёритилганлигига қўйиладиган гигиеник талаблар. – Тошкент, 2003.
8. СанҚваМ №0324-16 “Санитарно-гигиенические нормы” микроклимата производственных помещений. 2016; 12,14,18,26-29.
9. Суворов Г.А., Денисов Э.И. Гигиеническая оценка факторов рабочей среды. – Санкт-Петербург: СпецЛит, 2019;312.
10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича услубий қўлланма. – Тошкент, 2021;215.
11. ASHRAE Standard 55-2020. Thermal Environmental Conditions for Human Occupancy. – Atlanta: American Society of Heating, Refrigerating and Air-Conditioning Engineers, 2020.
12. International Labour Organization. Workplace Health and Safety Standards. – Geneva: ILO, 2021;156.
13. ISO 7730:2005. Ergonomics of the Thermal Environment – Analytical Determination and Interpretation of Thermal Comfort. – Geneva: International Organization for Standardization, 2005.
14. WHO. Healthy Workplaces: A Model for Action. – Geneva: World Health Organization, 2010;128.
15. WHO. Occupational Health: Protecting Workers’ Health. – Geneva: World Health Organization, 2022;74.

ЧЕГАРА НАЗОРАТ ПУНКТЛАРИДАГИ ИНТЕРОСКОП ХОНАЛАРИ МИКРОИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК БАҲОЛАНИШИ

Саломова Ф.И., Қутлимуродов Ё.В., Кодиров Д.А.

Мақсад: *Чегара назорат пунктларидаги зонлараро хоналарнинг микроиқлим параметрларини гигиеник баҳолаш ва уларни амалдаги санитария нормалари ва стандартлари билан таққослаш.* ***Материаллар ва усуллар:*** *тадқиқот Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги бир нечта чегара назорат пунктларида жойлашган зонлараро хоналарда ўтказилди. Синовлар давомида ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво оқими тезлиги ва ёруғлик аниқланди. Микроиқлим параметрлари амалдаги СанҚваМ № 0324-16 талаблари асосида баҳоланди. Ўлчовлар учун замонавий ўлчаш асбоблари ва лаборатория синов усуллари қўлланилди.* ***Натижалар:*** *синов натижасида интероскоплар ўрнатилган баъзи хоналарда микроиқлим параметрларининг стандарт қийматлардан четга чиқиши кузатилган. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намликнинг ошиши, айниқса ёзда, ходимларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди.* ***Хулоса:*** *олинган маълумотлар интероскоплар ўрнатилган хоналарда ходимларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш учун иш шароитларини оптималлаштириш ва профилактика чораларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.*

Калит сўзлар: *интероскоп, микроиқлим, меҳнат гигиенаси, ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво ҳаракати тезлиги, санитария меъёрлари, чегара назорат пункти.*

Муаллифлар ҳақида маълумотлар

Саломова Феруза Ибодуллаевна, т.ф.д., проффесор. Тошкент давлат тиббиёт университети Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси мудири, Тел: +998911664114, e-mail: fsalomova@mail.ru, https://orcid.org/0000-0003-0070-6209

Қутлимуродов Ёдгорбек Вапаевич, Тошкент давлат тиббиёт университети Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ассистент, мустақил изланувчи. Тел:+998999685682, e-mail:qutlimurodovyodgorbek@gmail.com, https://orcid.org/0009-0006-5592-929X/print

Кодиров Дилмурод Алимхон ўғли, PhD, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Гигиена ва радиацион хавфсизлик кафедраси ассистенти, Тел: +998977415118, e-mail: dilmurod.kodirov.93@mail.ru,https://orcid.org/0009-0009-1667-5970